

2-1-2019

IMPROVING METHODOLOGY OF INTERNAL AUDIT IN THE BUDGET ORGANISATIONS

S. Mehmonov

Tashkent Financial institute

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Mehmonov, S. (2019) "IMPROVING METHODOLOGY OF INTERNAL AUDIT IN THE BUDGET ORGANISATIONS,"
International Finance and Accounting: Vol. 2018 : Iss. 1 , Article 18.
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2018/iss1/18>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.

**Меҳмонов С.У. - ТМИ,
профессор**

БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИДА ИЧКИ АУДИТНИНГ УСЛУБИЙ ТАЪМИНОТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Мақолада бюджет ташкилотларида ички аудит хизмати фаолиятини ташкил этишнинг услубий таъминотини такомиллаштириш бўйича тавсиялар берилган.

Таянч сўзлар: аудит; бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи; бюджет ташкилоти; ички аудит; ички аудит стандарти.

В статье даны рекомендации по совершенствованию методического обеспечения организации службы внутреннего аудита в бюджетных организациях.

Ключевые слова: аудит; бухгалтерский учет и отчетность; бюджетные организации; внутренний аудит; стандарты внутреннего аудита.

The article gives recommendations on improving the methodological support for the organization of the internal audit service in budget organizations.

Key words: audit; accounting and reporting; budget organizations; internal audit; standards of internal audit.

Хозирги кунда бюджет ташкилотларида ички аудит фаолияти тегишли тартибда услубий асосларни шакллантириб олишни талаб этади. Халқаро амалиёт тажрибалари ўрганилганда кўпгина мамлакатлар ички аудит халқаро стандартлари асосида ички стандартларни қабул қилиб давлат секторида фойдаланилаётгани кузатилмоқда. Масалан Англия, АҚШ, Канада мамлакатларида давлат харажатларининг молиявий назоратида ички аудит хизматидан кенг фойдаланилади. Канаданинг бош аудит бошқармасининг 60 фоиздан ортиқ назорат тадбирлари давлат маблағларининг самарали харажат қилинишини ўрганишга йўналтирилган. Ички аудиторларнинг халқаро институти томонидан қабул қилинган Ички аудит халқаро стандартлари талаблари асосида ушбу мамлакатларда ички аудит хизмати амалга оширилмоқда. Албанияда 2003 йилда Давлат секторида ички аудит тўғрисида қонун (2003 йил 13 февраль, №9009) қабул қилинган. Ушбу қонун билан давлат секторида ички аудит тамойиллари, мақсади, вазифалари, ташкил этиш тартиби, аудитор малака талаблари белгиланган.

Халқаро амалиёт тажрибаларидан келиб чиқиб мамлакатимизда бюджет ташкилотларида ички аудит хизмати фаолиятини ташкил этишнинг услубий таъминотини ривожлантириш, такомиллаштириб бориш талаб этилади. Бюджет

ташкilotларида ички аудит фаолияти хизмати йўналишларини қуйидагича акс эттириш мумкин (1-расм)


Ички аудит фаолиятини уч йўналишда олиб бориш талаб этилади, бунда биринчи навбатда харажатларни тўғри режалаштиришини ўрганишдан бошланади ва улар бўйича тегишли аудит амаллари бажарилади. Кейинги навбатда эса сметалар доирасида маблағларни сарфланиши ҳолати юзасидан аудит далиллари тўпланади ва учинчи навбатда бюджет ташкилоти зиммасига юклатилган вазифани самарали бажариш ҳолати ўрганилади.

Бюджет ташкилотларида ички аудит фаолияти услубий таъминотида қуйидаги жиҳатларига эътибор қаратилмоғи керак:

1. Ички аудит фаолиятини режалаштириш тартиби;
2. Ички аудит далилларини олиш тартиби;
3. Ички аудит иш ҳужжатларини шакллантириш тартиби;
4. Ички аудит натижаларини умумлаштириш тартиби.

Маълумки бюджет ташкилотларида ички аудитнинг асосий мақсади маблағларни мақсадли сарфланишини ҳамда фаолият натижадорлигини таъминлашга қаратилган. Бюджет ташкилотларида ички аудитни ўтказиш тартибини қуйидагича акс эттириш мумкин (1-жадвал).

Юқорида келтирилган жадвалдан кўришиб турибдики бюджет ташкилотларида ички аудитни ўтказишда режалаштириш, аудит далилларини тўплаш ва умумлаштириш бўйича услубий таъминотни шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.



1-расм. Бюджет ташкилотларида ички аудит хизмати фаолияти йўналишлари

Бюджет ташкилотларида ички аудитни режалаштиришда тизим ташкилотлари сонидан келиб чиқиб график тасдиқланади. График асосида ўрганишлар амалга оширилиши муддатлари белгиланади.

Аудит далиллари – ички аудит фаолияти вақтида йиғилган ва аудит ҳисоботини шакллантиришга асос бўлувчи маълумот (ахборот)лардир.

Аудиторлик далилларини олишда молиявий ҳисоботнинг асоси бўлган бошланғич ҳужжатлар ва ҳисоб регистрлари, шунингдек бошқа манбалардан олинган тасдиқловчи маълумотлардан фойдаланилади.

Аудиторлик далилларини қуйидаги аудиторлик амалларининг бир ёки бир нечасини бажариш йўли билан олади:

- а) назоратлаш - ёзувлар, ҳужжатлар ва моддий активларни текшириш;
- б) кузатиш - бошқа шахслар томонидан бажариладиган жараён ва ишларни ўрганиш.

Бюджет ташкилотларида ички аудитни ўтказиш тартиби.

Босқичлар	Мазмуни	Ахборот манбаалари	Тузиладиган аудит ҳужжатлари
Ички аудит текширувини ташкил этиш	Ташкилот фаолияти ҳолатини, ички назорат тизимини ўрганиш	Бирламчи ҳужжатлар, ҳисоботлар, мутахассислар ахбороти	Умумий маълумотнома тайёрлаш
Ахборот таъминоти	Ҳисоб объектларига тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхатини шакллантириш	Қонунчилик ҳужжатлари	Қонунчилик ҳужжатлари реестрини тузиш
Режалаштириш	Календар режа тузиш, ишчи ҳужжатлар таркибини аниқлаш	Бирламчи ҳужжатлар, ҳисоботлар	Аудит дастури
Аудит далилларини тўплаш	Зарур ахборотларни йиғиш ва тизимлаштириш	Бирламчи ҳисоб ҳужжатлари ва регистрлари, ҳисоботлар	Тегишли аудит амаллари қайдномаси
Аудит ҳисоботи	Хулоса ва таклифларини умумлаштириш	Аудит жараёнида тўпланган далиллар	Ички аудит ҳисоботи

в) сўров - ташкилот ва ундан ташқаридаги шахслардан маълумот йиғиш;

г) ҳисоблаш - бошланғич ҳужжатлар ва бухгалтерия ёзувларидаги арифметик ҳисоб-китобларнинг аниқлигини текшириш;

д) таҳлилий амаллар - аудитор томонидан олинган маълумотни таҳлил қилиш ва баҳолаш, бухгалтерия ҳисобида хўжалик фаолиятидаги ғайриқонуний ва нотўғри акс эттирилган ҳолатларни аниқлаш мақсадида ташкилотнинг муҳим молиявий ва иқтисодий кўрсаткичларини текшириш, шунингдек, хато ва камчиликлар сабабларини суриштириш.

Аудитордан олинган аудиторлик далилларни ўзининг ишчи ҳужжатларига қайд этиб бориш талаб этилади.

Бюджет ташкилотларида ички аудит иш ҳужжатларининг сони ва таркиби ўрганилаётган объектни хусусиятидан келиб чиқиб ички аудит хизмати ходими томонидан шакллантирилади. Ички аудит иш ҳужжатлари бюджет ташкилотларида даромадлар ва харажатлар сметалари, сметалар ижроси ҳисоби ва назорати, молиявий ҳисоботлар бўйича алоҳида шакллантирилади.

Ички аудит ҳисоботини тайёрлашда қуйидаги аудит иш ҳужжатларига эга бўлиши керак:

ташкилотни ташкилий тузилмасига оид маълумотларни мужассамлашган аудиторлик иш ҳужжатлари;

аудит ўтказишнинг режа асосида олиб борилганлиги режадан ташқарига чиқишлар, бир маълумотни ўрганиш натижаси учун сарфланган вақт ва ресурслар ҳақидаги аудитор иш ҳужжатлари;

ташкilotни даромадлар ва харажатлар сметалари ҳамда штатлар жадвалини шакллантиришни ўрганиш, таҳлил қилиш орқали олинган маълумотлар ҳақидаги иш ҳужжатлари;

ташкilotнинг молиявий фаолиятини ўрганиш ва таҳлил қилиш орқали олинган маълумотлар ҳақидаги аудиторнинг иш ҳужжатлари;

бухгалтерлик ҳисоб китоблар ҳақидаги аудитор иш ҳужжатлари;

давлат молиявий назорати органлари томонидан олдинги ўтказилган текшириш натижалар тўғрисидаги ҳужжатлар нусхалари;

чорақли ва йиллик молиявий ҳисоботлар нусхалари.

Аудитор ўрганаётган ташкilotда қўлланилаётган бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимида юритилаётган иш ҳужжатларини сифатига баҳо бериши керак. Бу молиявий ҳисоботлар аниқлигига таъсир этувчи хатолар вужудга келиш эҳтимолини аниқлаш учун лозим. Баҳолаш асосида аудиторлик амалларининг мазмуни, масштаби ва сони аниқланади.

Аудитор ўрганиш жараёнида далиллар тўплайди ва бу йиғилган маълумотларни ўзининг иш ҳужжатларида қайд этиб боради. Бу далиллар молиявий ҳисоботлар амалдаги қонунчилик ва бухгалтерия ҳисоби меъёрий ҳужжатларига амал қилинган ҳолда тайёрланганлигини исботлаши керак.

Ўрганишлар натижаси ва муҳим аудиторлик далиллар унинг иш ҳужжатларида тасдиқланган бўлиши керак. Зарурият туғилганда аудиторлик иш ҳужжатлари (ведомостлар, чизмалар ва бошқалар) текшириш натижасига ойдинлик киритиш учун асос бўлади. Аудиторнинг иш ҳужжатларидаги ахборот махфий бўлиб, уни ошкор этиш мумкин эмас.

Аудиторнинг иш ҳужжатлари текшириш ўтказиш тадбирларини қўллаш ва ўтказиш услубини белгилашда аудиторга ёрдам беради, текшириш натижаларини қайд этиш ва уни баҳолаш мезони ҳисобланади. Аудит иш ҳужжатлари текшириш ўтказилувчи шароитлардан қатъий назар тўлдирилиши керак.

Аудитнинг иш ҳужжатлари қуйидаги тамойилларга асосланади: аудиторнинг иш ҳужжатлари ҳолисоналиги; қилинган ҳисобот ва молиявий ҳолатларни ифодаловчи ҳисоботларни соддалиги; раҳбарият ва бошқа маълумот олувчилар учун тушунарли бўлиши ва ундан фойдаланиш имконияти мавжудлиги; маълумотларни ёритилганлиги, ўрганилиши лозим бўлган ахборотларга эга бўлиши ва аудит текширишнинг сифатли бўлиши.

Иш ҳужжатлари таркибига киритилган маълумотлар равшан баён қилинган ва уларнинг моҳияти ҳамда шакллари аниқ-яққол келтирилган бўлиши ва турли хил талқинларни талаб этмаслиги керак. Иш ҳужжатлари ўз вақтида, аудитнинг бошлангунига қадар, унинг бориши чоғида ва тугаши билан тузилиши лозим.

Аудитнинг иш ҳужжатлари сирасига кирувчи ҳужжатлар уларга киритилган маълумотлар манбасига ҳаволаларни ўзида мужассамлаштирган

бўлиши лозим. Аудит қилиш тугалланиши билан иш ҳужжатлари ички аудит хизмати архивга мажбурий сақлаш учун топширилиши керак.

Иш ҳужжатларининг сақланиши, уларнинг расмийлаштирилиши ва архивга топширилишини ички аудит хизмати раҳбари ёки у томонидан ваколат берилган шахс ташкил қилади.

Қуйида бюджет ташкилотларида тавсия этиладиган ички аудит иш ҳужжатлари ҳақида тўхталиб ўтамиз. Ички аудит фаолиятини амалга оширишда даромадлар ва харажатлар сметалари ҳамда штатлар жадвалини шакллантиришни ўрганиш, таҳлил қилиш бўйича қуйидаги тартибда иш ҳужжати шакллантириб олиши тавсия этилади.

1. Штатлар жадвалини тузилишини ўрганиш аудит иш ҳужжати

т/р	Тарификация бўйича лавозимлар номлари	Норматив бўйича штат бирлиги сони	Ҳақиқатда киритилган штат birlikлари сони	Фарқланиши	
				штат бирлигида	Ойлик иш ҳақи суммаси

Бу аудит иш ҳужжати асосида намунавий штатлар жадвалидан келиб чиқиб бюджет ташкилоти томонидан шакллантирилган штатлар жадвали қанчалик тўғри шакллантирилганлиги ҳақида тегишли маълумот олинади ва йўл қўйилган камчиликни олдини олиш бўйича кўрсатма бериш имконини беради. Штатлар жадвалини нотўғри шакллантириш маблағларни мақсадсиз сарфланишига имкон яратади.

2. Харажатлар сметасини шакллантириш ҳолатини ўрганиш юзасидан аудит иш ҳужжати

т/р	Харажат гуруҳлари номи	Аниқлаштирилган режа	Ҳақиқатда режаланган	Фарқланиш суммаси (минг сўмда)
1	Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар			
2	Иш ҳақиға кўшимчалар			
3	Капитал қўйилмалар			
4	Бошқа харажатлар			

Бу аудит иш ҳужжати асосида бюджет ташкилотлари томонидан харажатлар сметасини шакллантириш ва уларга киритилган харажат суммаларини асосланганлигини ўрганиш имкониятини беради.

3. Бюджет ташкилотини дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари ҳолатини ўрганиш юзасидан аудит иш ҳужжати

т/р	Корхона ва ташкилотлар номи	Бошланғич қарздорлик		Мақсади ёки харажат моддаси бўйича	Юзага келган вақти	Шундан муддати ўтган	
		Д-т	К-т			Д-т	К-т

Бу аудит иш ҳужжати асосида бюджет ташкилотида жорий ҳолатга мавжуд дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларини таҳлил қилиш имконини беради. Аксарият бюджет ташкилотларида дебиторлик ва кредиторлик

мажбуриятлари даврий равишда инвентаризация қилинмайди ва натижада муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари юзага келишига сабаб бўлмоқда.

Бюджет ташкилотларида ички аудит фаолиятни бошқа объектлари бўйича ҳам юқорида келтириб ўтилган тартибда аудит иш ҳужжатлари шакллантириб олинади ва аудит ҳисоботини шакллантириш учун манбалар шакллантирилади.

Аудиторлик ҳисоботининг таркиби қуйидаги қисмлардан иборат:

кириш қисми;

таҳлилий қисм;

яқуний қисм

Бюджет ташкилотларида ички аудит фаолияти натижалари бўйича аудиторлик ҳисоботининг кириш қисмида:

ички аудит ва молиявий назорат хизмати томонидан расмийлаштирилган буйруғ санаси ва номери, жалб этилган ички аудит хизмати ходимлари фамилияси, исми, отасининг исми, аудиторлик ҳисоботини тайёрлашда асос бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳавола;

аудиторларнинг аудиторлик ҳисоботини тузиш бўйича ва ташкилотларнинг аудиторлик текширувига тақдим этилган молиявий ҳисобот бўйича жавобгарлиги;

аудиторлик ўрганиш ўтказилаётган молиявий ҳисоботга (шакли ва молиявий ҳисобот даврини кўрсатган ҳолда) ва у билан боғлиқ молиявий ахборотга ҳавола;

ташкилот фаолиятининг умумий тавсифи.

Аудиторлик ҳисоботининг таҳлилий қисми аудитор томонидан бажарилган ишлар ва аудиторлик далилларини олишга қаратилган аудиторлик амаллари баёнини ҳамда қуйидагилар текшириш натижаларини қамраб олиши лозим:

ташкилотнинг ички назорат тизимини;

бухгалтерия ҳисоби тизими ва молиявий ҳисобот тузилишини;

молиявий-ҳўжалик фаолиятини амалга оширишда бюджет интизоми ҳамда бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини;

харажатлар сметалари ҳамда бюджетдан ташқари маблағлар бўйича даромадлар ва харажатлар сметаларни шаклланганлигини тўғрилигини;

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш ва тўлашнинг тўғрилигини;

активлар сақланишининг таъминланганлигини;

дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари ҳолати ва унинг таҳлили;

фаолият самарадорлигини таҳлили ва бошқалар.

Аудиторлик ҳисоботининг яқуний қисми қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича аудиторнинг умумий хулосалари ва тавсиялари;

бухгалтерия ҳисоби тизимининг самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар;

бюджет-смета интизомига риоя қилиш, ҳамда маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланишни ошириш юзасидан тавсия ва таклифлар;

аудиторлик ҳисоботи тузилган сана ва бошқалар.

Юқоридагиларни умумлаштириб ички аудит хулоса ва тавсияларини шакллантиришни қуйидагича акс эттириш мумкин (2-расм).



2-расм. Ички аудит хулоса ва тавсияларини шакллантириш тартиби.

Бугунги кунда мамлакатимизда бюджет тизими бюджетлари ижроси молиявий назоратида ички аудит фаолиятни ўрни ва аҳамияти ортиб бормоқда. Шундан келиб чиқиб бизнингча бюджет ташкилотларида ички аудит фаолияти хизмати учун алоҳида Ички аудит стандартлари қабул қилиниши мақсадга мувофиқ бўлади. Ички аудит фаолияти аудит стандартлари асосида ташкил қилиниши аудит ўрганишларини режалаштиришга, назорат ва текшириш турига, назорат қилиш учун керакли маълумотларни тўплашга, тизимлаштиришга ягона ёндашув таъминланади. Шу билан биргаликда ички аудит фаолияти самарадорлигини баҳолаш имконият яратилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21 август 2017 йилдаги ПҚ–3231-сон «Таълим ва тиббиёт муассасаларини молиялаштириш механизмини ва давлат молия назорати тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори;

2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг “Халқ таълими вазирлигининг ички аудит ва молиявий назорат хизмати тўғрисида вақтинчалик намунавий Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 2017 йил 20 декабрдаги 391-сон буйруғи;

3. 50-сон (АФМС). Аудиторлик далиллари. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2002 йил 18 апрелда 1128-сон билан рўйхатга олинган;

4. “Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлар сметаси ва штат жадвалларини тузиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан

ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом”. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил 15 декабрда 2634-сон билан рўйхатдан ўтказилган;

5. Молиявий ҳисобот тўғрисидаги аудиторлик ҳисоботи ва аудиторлик хулосаси. 70-сон (АФМС). Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2002 йил 18 апрелда 1128-сон билан рўйхатга олинган;

6. Кожушко Е.В. Оценка состояния внутреннего аудита бюджетного учреждения // Проблемы экономики. – 2014. №3. с-234-239.